# ЛЕНИН ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ САРИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 77 (8067).

23 апрель шанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин.

## КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Давримизнинг революцион байроғи бўлиб қолган барҳаёт Ленин таълимоти бутун дунё халқларига тинчлик ва тараққиёт келтирмоқда.

Марксизм-ленинизм жаҳон пролетариатининг, империализмга қарши курашаётган, янги ҳаёт барпо этаётган барча кишиларнинг музаффар қуроли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигини юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда кутиб олмоқда. Совет кишилари КПСС XXVI съезди белгилаб берган режаларни амалга ошира бориб, Ильичнинг барҳаёт асарларидан илҳомланмоқдалар. Бугунги кунда бизлар дунёни революцион қайта ўзгартиришда халқнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги ленинча ғояга алоҳида эътибор билан мурожаат қиламиз.

22 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Москва шаҳри ва областининг ишлаб чиқариш илғорлари, КПСС ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, совет Қуролли Кучларининг жангчилари бу ерга йиғилдилар. Чет эл дипломатлари, чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Соат 17. Тантанали мажлис қатнашчилари **Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Я. Пельше, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни ўринларидан туриб, гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Багдаш, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Л. Корвалан, Ирландия Коммунистик партиясининг Бош секретари М. О'риордан, Панама халқ партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Р. Д. Соуса ҳам бор эди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР министрлари, КПСС Москва шаҳар ва область комитетларининг секретарлари, Ленин партияси ветеранлари, саноат, қишлоқ хўжалигининг машҳур меҳнаткашлари, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, ҳарбий бошлиқлар жамоат ташкилотларининг вакилари ҳам бу ерда ўтирибдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Кремлнинг Съездлар саройи гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимни тантанавор янгради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. С. Горбачев** «Ленинизм —ҳаётбахш ижодий таълимот, ҳаракат учун ҳақиқий қўлланмадир» деган мавзуда доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари «Интернационал»ни ўринларидан туриб илҳом билан куйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).

## УЛУҒ ДОҲИЙ НОМИ БИЛАН

Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин абадул-абад совет халқининг улуғ ва доно устози, барча бунёдкорлик ишларининг илҳомчиси бўлиб қолади. Унинг барҳаёт таълимоти Коммунистик партия ва Совет давлати фаолиятининг, энг адолатли жамият қуриш, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган вазифаларни бажариш йўлида мамлакат меҳнаткашлари эришаётган барча муваффақиятларнинг асосидир.

22 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига бағишланди. Республика пойтахти ва Тошкент области ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг намояндалари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига йиғилдилар. Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахоновга доклад қилиш учун сўз берилади. Докладчи совет кишилари муваффақиятли амалга ошираётган улуғ Ленин ғояларининг тантанаси ҳақида, жаҳон пролетариати доҳийсининг ажойиб йўл-йўриқлари коммунизм қурувчиларининг шонли ишларида, озодлик ва социал адолат учун курашаётган чет мамлакатлар халқларининг ғалабаларида ўз ифодасини топаётганлиги тўғрисида гапирди.

Экономика барча тармоқларини, шаклан миллий, мазмун социалистик маданиятни ривожлантиришда Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган ажойиб ютуқлар Ильич васиятларининг реал тимсолидир. Республика фахрланса арзийдиган ҳамма ютуқлар Октябрь ғалабаларининг, Коммунистик партия ленинча доно миллий сиёсатининг, мамлакат барча халқлари ва биринчи навбатда қардош рус халқи беғараз ёрдамининг натижасидир. Ўзбекистон ССР тенглар ичида тенг бўлиб, бошқа республикалар билан ягона сафда ёркин келажак сари комил ишонч билан одим ташламоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет халқи билан биргаликда бундан буён ҳам ҳар бир ишда Ильич васиятларига амал қилишга, Коммунистик партия ишига содиқ бўлиб қолишга, ўз сафларини партия Марказий Комитети теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришга азму-қарор бергандирлар. Улар партиянинг халқ фаровонлигини ошириш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлигига жавобан коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришишга шайдирлар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## АБАДИЙ БАРҲАЁТ ИНСОН

Совет кишилари ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинга меҳру муҳаббати чексиздир. Дунё халқлари Ильич туғилган куннинг 113 йиллигини нишонлаётган кунда Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент областининг ҳамма чеккаларидан меҳнаткашлар вакиллари Ленин номидаги майдонга келдилар.

Жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий кенгаши номидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, шаҳар корхоналари ва ташкилотлари коллективлари номидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйилиши тантанали маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида «Карл Маркс ва ҳозирги замон — тинчлик ва тараққиёт учун кураш» мавзуида Берлинда ўтказилган халқаро илмий конференцияда КПСС делегациясининг иши тўғрисидаги ахборотни тинглади. Конференция марксизм-ленинизм назарияси ҳаётийлигининг, шу назариянинг амалдаги ифодаси сифатида реал социализм ролининг, социализм билан тинчлик учун кураш ўртасидаги мустаҳкам алоқанинг, коммунистик ҳаракат ҳамда миллий ва социал озодлик йўлидаги турли ҳаракатларнинг интернационал бирдамлиги муҳимлигининг ёрқин намойиши бўлганлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг шу йил 18 апрелда бўлиб ўтган кенгашида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг бир қанча масалаларини кўриб чиқди. Шу йил ҳосил йиғим терими, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни таъминлаш ҳамда 1983—1984 йилги мавсумда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар маъқулланди.

Қишлоқ хўжалик машиналарининг баъзи турларини ишлаб чиқарувчи қувватларни вужудга келтиришни жадаллаштириш ҳамда 1984—1985 йилларда Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг корхоналарида шундай машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Қишлоқ умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг меҳнат таълимини, тарбиясини, касб танлашини яхшилаш, уларни битириб чиқувчи ёшларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мустаҳкам жойлаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида 1983—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда Забайкалье ҳамда Узоқ Шарқ районларида ёқилғи-энергетика базасини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советининг Ленин комсомоли номли автомобиль заводида енгил автомобилнинг янги моделини ва автомобилсозлик соҳасидаги илғор ютуқлар негизида унинг модификацияларини ишлаб чиқарадиган корхонани барпо этиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига доир бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлисида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаши якунлари тўғрисидаги ахборотни тинглади ҳамда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу кенгашда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди. Бюро область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, дон, пахта, мева ва сабзавот ялпи ҳосилини кўпайтириш, чорва моллар туёғини ва паррандани кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш юзасидан амалий тадбирларни турмушга тадбиқ этишни топширди.

Бюро республика партия ташкилотининг «Меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлигини ривожлантиришда, интизомни мустаҳкамлашда ва иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисидаги» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси тавсияларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди ва бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни янада яхшилашга, уларнинг иш услубини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни тасдиқлади.

Бюро КПСС XXVI съезди қарорларини қандай бажараётганлиги ҳақида Бухоро область партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилди ва Бухоро область партия ташкилоти зиммасига КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг талаблари асосида ташкилотчилик ва сиёсий ишни активлаштириш, халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга раҳбарликни кучайтириш мажбуриятини юклади.

Тошкент шаҳар Ленин район партия ташкилотининг коммунистлари КПСС Устави талабларига қандай риоя қилаётганликлари кўриб чиқилди. Бюро ана шу район партия ташкилоти фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб ўтди ҳамда уларни тезроқ бартараф этишни район партия комитетидан талаб этди.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети умумий ва ташкилий партиявий иш бўлимларининг ҳужжатлар сонини янада камайтириш тўғрисидаги таклифларини муҳокама қилди.

Бюро Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахтани қабул қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги шартларига ўтиш ва пахта сифатини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори лойиҳасини маъқуллади.

Хоразм областидаги Янгибозор районида шу номдаги асаларичилик совхозини ташкил этиш тўғрисида Хоразм область партия комитети билан область ижроия комитетининг ҳамда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифи қабул қилинди.

Бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

# ЛЕНИНИЗМ—ҲАЁТБАХШ ИЖОДИЙ ТАЪЛИМОТ, ҲАРАКАТ УЧУН ҲАҚИҚИЙ ҚЎЛЛАНМАДИР

### *В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 113 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНИБ МОСКВАДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДА*

## ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Ўртоқлар!

22 апрель куни номи дунёни революцион янгилаш рамзи бўлиб қолган, таълимоти илғор инсониятнинг онгига тобора сингиб бораётган, жаҳоншумул тарихий кўламлардаги ижтимоий амалиётда мужассамлашаётган инсон — Владимир Ильич Ленин туғилган кун сифатида тарихдан жой олди.

Биз ҳаммамиз учун азиз бўлган шу санани нишонлар эканмиз, мутафаккир ва революционер Ленинга, йўлбошчи ва устоз Ленинга, Октябрь илҳомчиси, партиямиз билан давлатимизнинг бунёдкори Ленинга нисбатан ўзимизнинг чексиз иззатҳурматимиз ва меҳр-муҳаббатимизни қайта-қайта изҳор этамиз.

Назариётчининг даҳоси ва пролетар курашчисининг букилмас матонати Ленин сиймосида мислсиз уйғунлашиб кетди. Ишчилар синфининг манфаатларини чуқур тушуниш ҳамда стратег ва тактик сифатидаги буюк донишмандлик; тафаккурнинг дадил парвози ва айни моментга баҳо беришда энг қатъий реализм; меҳнаткашлар тарихий ижодиётининг битмас-туганмас эканлигига астойдил ишонч ва халқ орасидан истеъдодли ташкилотчиларни топа билиш маҳорати унинг ўзига хос фазилатлари эди. Омма билан ғоят қалин алоқа Ленинга унинг кайфиятлари ва орзу-умидларини сезгирлик билан пайқаб олишига, революцион кураш ва социалистик қурилишнинг ғоят мураккаб саволларига тўғри жавобларни топишига имкон берар эди.

Ленин — унинг шогирдлари ва издошлари учун сўнмас намунадир. У ҳамиша биз билан биргадир. Биз қуйидаги самимий сўзларни зўр ифтиҳор туйғуси билан такрорлаймиз: «Ленин ҳамма тириклардан тирик ҳар қачон, у биз учун билим, қурол ва қудрат».

Бу йил Маркс вафот этганига юз йил тўлди. Замон Маркс таълимотига мислсиз ғалабалар келтирди. Ҳозирги давр — инсоният ҳаётида энг кескин бурилиш —эски, эксплуататорлик жамиятидан янги, социалистик жамият сари бурилиш даври марксизм учун тантанали давр бўлди. Карл Маркс таълимотининг тарихий тақдири айни шундай бўлганлигида Владимир Ильич Лениннинг роли мислсиз буюкдир. Владимир Ильич Ленин марксизмни ревизионистик бузишлардан ҳимоя қилди ва уни янги, юқори поғонага кўтарди.

Ленин билан Маркс турли вақтларда яшаб, ижод қилдилар. Аммо тарих уларнинг номларини мангу боғлади. Ғоявий ўхшашлик, ҳаёт мақсадининг бирлиги ва бутун дунё ишчилар синфи, меҳнаткашларини социал озод қилиш иши учун курашдаги муштараклик уларни бир-бири билан боғлади.

Жаҳоншумул тарихий тажриба шуни яққол кўрсатдики, марксизм-ленинизм — яхлит ажралмас таълимотдир, ленинизм эса битмас-туганмас ҳаётий куч-қувватга эга бўлган ҳозирги замон марксизмидир. Тарих ленинизмнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаб, уни «ағдариб ташламоқчи бўлганлар»га ва унинг «мунаққидлари»га ўз ҳукмини ҳам чиқарди. Ленинни Марксга, Марксни эса Ленинга қарама-қарши қилиб қўйиш, яхлит революцион таълимотни ажратиш йўлидаги барча уринишлар беҳуда бўлиб чиқди. Ленинизм «маҳаллий чекланган» у «эскириб қолган» деган кўпдан-кўп ҳар хил концепция ва доктриналар биринкетин пайдо бўлди ва йўқ бўлиб кетаверди. Ленин ғоялари эса яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда.

Революцион назариянинг ҳаётбахш кучи унинг ҳаққонийлигида, ижодий моҳиятида, ижтимоий тажриба таъсири остида тобора ривожланиш қобилиятига эга эканлигидадир. Лениннинг ўзи марксизм догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланмадир, деб тинимсиз таъкидлар эди. Худди шунингдек ленинизм ҳам догмалар ва тайёр йўл-йўриқлар йиғиндиси эмас, балки диалектик фикрлаш ва анализ қилиш, воқеликни революцион ўзгартириш назарияси ва методидир.

Бугунги ленинизм илмий ҳақиқатлар ва революцион фикрлар системасигина эмас, бу — XX асрда ўзгариб кетган дунёнинг ўзи: ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисми учун реал воқелик бўлиб қолган социализмдир; бу — инсониятнинг социал ва миллий озодлик йўлидаги ҳаракатидир. Ижтимоий тараққиёт енгилмас бўлиб, бу жараён марксизм-ленинизм очган қонунларга биноан давом этмоқда.

Ленинизм — СССРда социалистик ва коммунистик жамият қурилиши байроғи, партия сиёсатининг асосидир. Ҳозир бепоён Ватанимизда КПСС XXVI съезди режаларини бажариш борасида катта ва қизғин иш давом этмоқда. Партия билан халқ мамлакат олдида турган ғоят катта бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга азму қарор бергандирлар.

Совет кишилари, барча миллатлар ва элатлар Ленин партияси, унинг Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганликлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрами вақтида ёрқин намоён бўлди. Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қарорларини бутун халқ қўллаб-қувватлаганлиги жамиятимизнинг бирлигини алоҳида куч билан кўрсатди. Халқимиз Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигини якдиллик билан маъқуллаб кутиб олди.

Совет кишилари ана шу қарорларни партия ленинча йўлининг, унинг ички ва ташқи сиёсатининг изчил давоми деб билмоқдалар. Меҳнаткашлар давлат ва хўжалик органларининг ишини яхшилаш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, кадрларнинг масъулиятини ошириш, қонунларга қатъий риоя этиш, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада кўпайтириш Совет Иттифоқи, иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз хавфсизлиги манфаатларини пухта таъминлаш борасида Сиёсий бюро кўраётган тадбирларни тўла-тўкис маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, бу тадбирларни совет кишиси бахт-саодати тўғрисида, социалистик Ватанни ҳар томонлама равнақ топтириш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш тўғрисида партия қилаётган тинимсиз ғамхўрликнинг ифодаси деб билмоқдалар.

Биз Октябрдан кейин босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, бугунги ишларимизни Ленин ғояларига доимо қиёс қилиб шуни тўла асос билан айтамизки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси улуғ Ленин таълимоти ҳамда васиятларини комил ишонч ва шараф билан амалга ошириб келмоқда.

## ЭКОНОМИКАНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН, МИЛЛИОНЛАРНИНГ СЕРУНУМ МЕҲНАТИ УЧУН

Ўртоқлар! Социализм ва коммунизм қурилиши тўғрисидаги фан —Ленин таълимотининг чўққисидир. Ленин К. Маркс билан Ф. Энгельснинг эксплуататор синфлар ҳукмронлиги ағдариб ташланган тақдирдагина хўжаликнинг социалистик системаси қарор топади, деган энг асосий хулосасига таяниб, ишчилар синфи сиёсий ҳокимиятни курашиб қўлга олмасдан, мулкка нисбатан революцион тўнтариш қилмасдан туриб социализмга ўтиш мумкин, деган фанга зид, марксизмга қарши концепцияларни фош қилди ва рад этди. Ленин марксизмнинг янги жамият тўғрисидаги қоидаларини ижодий ривожлантириб, мамлакатимизда социализм қуриш планини ишлаб чиқди.

Ленин амалда ўзининг сиёсий васияти бўлиб қолган сўнгги мақолалари ва хатларини айтиб туриб ёздирган пайтдан буён орадан 60 йил вақт ўтди. Ана шу мақолалар ва хатларда социализм ва коммунизмга нисбатан кенг назарий ҳамда сиёсий фикрлар янги ҳаёт қурилиши йўлидаги дастлабки реал қадамлар тажрибасини ўзига сингдирган эди. Ленин ана шу мақолалари ва хатларида Совет давлати фаолиятининг энг муҳим соҳаларини қамраб оладиган иқтисодий ва ташкилий муносабатлар кенг тармоғини йўлга қўйишга доир амалий ҳаракатлар программасини ривожлантирди.

Ленин башоратининг қудрати ва илмий теранлиги кишини ҳайратда қолдиради. Бусиз ҳам қолоқ мамлакат империалистик уруш, сўнгра эса гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси сабабли ҳаддан ташқари хонавайрон бўлган, жаҳон буржуазияси ҳарбий куч билан ўз мақсадига эриша олмай ёш Советлар республикасини иқтисодий қамал билан бўғиб турган оғир бир даврда Ленин социалистик истиқбол йўлини равшан кўрсатиб берди.

Ҳаммадан кўра Ленин социализм қурилишининг дастлабки муваффақиятларидан қувониб, улар билан фахрланиб айни вақтда камчиликлар ва зиддиятларни дадиллик билан очиб ташлаб, уларга сергаклик билан баҳо берар, ана шу камчиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш ва енгиб ўтиш юзасидан пухта ўйланган чораларни таклиф этар эди. У иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишда шошмашошарлик қилишдан огоҳлантирар, экономикада содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини чуқур англашга, барча ижобий ва салбий жиҳатларни билиб, шу асосда ғайрат билан бехато ҳаракат қилишга даъват этар эди.

Бизнинг мамлакатимиз улуғ Ленин васиятларини бажара бориб, тарихан қисқа муддат ичида социал тараққиётнинг юксак марраларига чиқиб олди. Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган халқнинг меҳнати ва истеъдоди билан энг илғор жамият—қудратли экономикага, замонавий фан ва маданиятга, чинакам халқ ҳокимиятига ва инсонпарвар турмуш тарзига эга бўлган жамият яратилди.

Лениннинг назарий мероси ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш борасида партия ишидаги бебаҳо бойликдир. Объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини жуда тўлиқ ҳисобга олиш, планлаштириш ва хўжалик ҳисоб-китоби, товар-пул муомаласидан, моддий ва маънавий омиллардан моҳирлик билан фойдаланиш тўғрисидаги ленинча қоидалар бугунги кунда ҳам партиянинг халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш фаолиятида тўғри компас бўлиб хизмат қилмоқда. Экономика проблемаларини ишлаб чиқишга, хўжалик ва маданий қурилиш амалий вазифаларини ҳал этишга ленинча ёндашув—барча кадрларимиз учун ажойиб мактабдир.

КПСС ижтимоий жараёнларни анализ қилишнинг ленинча методига асосланиб. XXVI съездда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 80-йилларга мўлжалланган асосий йўналишларини ишлаб чиқди.

(Давоми иккинчи бетда).

